

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЛАБАЛАР ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ- ШАРОИТЛАРИ

Исматов Шухрат Убайдович – Бухоро давлат университети педагогика  
кафедраси ўқитувчиси

*Аннотация:* Мақолада олий таълим муассасаларида ижтимоий фаолликни ривожлантиришнинг мақсади, мазмуни, усул, восита ва шакллари илмий-педагогик нуқтаи назардан тадқиқ этилган.

*Таянч сўзлар:* талабалар, ижтимоий фаоллик, аудитория машғулоти, аудиториядан ташқари машғулоти, жамоа ташиқоти, ҳамкорликдаги фаолият.

*Annotation:* The purpose, content, method, means and forms of social activity development in higher educational institutions are studied from a scientific and pedagogical point of view.

*Key words:* students, social activity, classroom activities, non-auditory activities, community organizations, cooperative activities.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш шароитида инсон қадрини улуғлаш, унинг ижтимоий-маданий ҳаётини яхшилаш, халқ фаровонлигини ошириш ва сифатли таълимни ташкил этиш орқали мамлакат ёшларини юрт ислохотларига нисбатан дахлдорлик ҳиссини кучайтириш ва ижтимоий фаоллигини ошириш асосий вазифаларидан биридир. Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев ёш авлод тарбияси ҳақида, айниқса, уларини билим олишга ва ҳунар ўрганишга даъват этиб билдирган куйидаги фикрлари эътиборга молик: “Нафақат ёшлар, балки, бутун жамиятимиз аъзоларининг билими ва савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маданият керак. Илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва албатта тўғри йўлдан адашиш бўлади. Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм. Энг

катта меърос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!”[1,23].

Бугунги кунда олий таълим муассасаларида талабаларнинг ижтимоий фаоллигини ривожлантириш энг муҳим мақсадларидан ҳисобланиб, бутун таълим жамоасининг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш мазкур мақсадни амалга ошириш мумкин бўлади. Ижтимоий фаолият - бу шахснинг ривожланиш хусусияти бўлиб, ўзини ижтимоий фойдали фаолиятда иштирок этишга тайёрлашдан иборат.

**“Ижтимоий фаоллик”** – ижтимоий субъектлар (жамият, табақа, гуруҳ ва шахслар)нинг ижтимоий-сиёсий жараёнларидаги иштирокининг, меҳнат ҳамда маданий-маърифий фаолиятининг кучайиши, қонунда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва бурчларини тўлиқ амалга оширишга интилиши [2].

Ижтимоий фаолликни тарбиялаш – бу нафақат жамоат ишларида иштирок этиш даражасининг ошиши, балки ёшларнинг ахлоқий йўналганлигини аниқловчи мотивларнинг шаклланиши ҳамдир [3].

Олий таълим муассасаларида ижтимоий фаолликни ривожланиши таълим ва тарбиянинг бирлиги, аудитория ва аудиториядан ташқари жараённинг уйғун, яъни ўзаро боғлиқлигини талаб қилади. Таълим жараёнида талабаларнинг ижтимоий фаоллигини ривожлантиришнинг қуйидаги усулларидан фойдаланиш мумкин: ролли ўйинлар, баҳслар, ўқув материални муаммоли тақдим этиш, "муаммоли вазият" усули, муҳокамалар ва ишонтириш. Мазкур усуллар талабаларнинг субъектив позициясини янгилаш ва мотивацион компонентни ривожлантириш имкониятини беради.

Шунингдек, олий таълим жараёнида талабаларда ижтимоий фаолликнинг ривожланишига таъсир қилишнинг қуйидаги усуллари ҳам мавжуд:

– интерактив: таълим жараёни субъектлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни ташкил этишга таъсир кўрсатиш орқали амалга оширилади. Ўқитувчи ўзаро

таъсир тури, мазмуни, ўзаро таъсирнинг ташкилий шакллари, ўзаро таъсирда иштирок этувчи шахслар доирасининг кенглигини белгилайди ва бошқаларга таъсир қила олади. Талабалар учун ўз-ўзини бошқариш ва таълим муассасасида ижтимоий ҳамкорликда иштирок этиш имкониятини яратади;

- ижобий ҳис-туйғулар ички фаоллик ва шахсий ривожланишни рағбатлантиради. Ўқитувчи ижобий ҳис-туйғуларни ривожлантиришга асосланган усуллардан: рағбатлантириш усули, муваффақиятли вазиятини яратиш усули ва бошқалардан фойдаланади.

Талабаларнинг ижтимоий фаоллигини ривожлантириш шаклларида бири ижтимоий-педагогик лойиҳаларни моделлаштириш ва амалга оширишдир. Лойиҳа усулининг моҳияти - бу қандайдир фаолият режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, келажакда керакли ҳолатларни кўриш орқали олдиндан белгиланган натижага эришишни таъминлайди.

Лойиҳа усулининг асосий характеристикалари қуйидагилардир:

- талабанинг шахсий ривожланиши ва у учун муҳим бўлган касбий йўналтирилган фаолиятига эътибор қаратиш;

- турли вазиятларда билим хазинаси қўллашнинг кўп қирралилиги, асосий билимларни чуқурроқ ва онгли равишда ўзлаштиришга ёрдам бериш ва керак бўлганда уларни кенгайтириш;

- тақдимот, маъруза, дарс лойиҳаси ва бошқа шаклида маълум бир якуний маҳсулот мавжудлиги.

Талабаларда ижтимоий фаолликни ривожлантиришнинг яна бир самарали воситаси таълим муассасасида ўз-ўзини бошқаришни ташкил этишдир.

Талабаларнинг ўз-ўзини бошқариши - талабаларнинг таълим, тарбия, дам олишни ташкил этиш, шунингдек, ижтимоий фаоллигини ривожлантириш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш масалаларини ҳал қилишга қаратилган талабаларнинг ижодий, мустақил ижтимоий фаолиятининг алоҳида

шакли ҳисобланади. Талабаларнинг ўз-ўзини бошқаришда иштирок этиш - бу фаолиятнинг алоҳида тури бўлиб, уни амалга оширишда талабаларнинг касбий-ижодий қобилиятлари ва шахсий фазилатлари намоён бўлади ва ривожланади.

Олий таълим муассасаларида талабаларнинг ўз-ўзини бошқариши - таълим муассасаси маъмурияти томонидан субъектив, бошқарув функцияларини бошқариш объектига ихтиёрий равишда ўтказиш, яъни талабалар, шунингдек, объектнинг ўз-ўзини тарғиб қилиш, ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини фаоллаштириш ва уни ўзгартириш қобилияти, шу билан биргаликдаги фаолиятга кўшилиш орқали ижтимоий тизимни бошқариш субъектига айланади. Бошқача айтганда, бу ихтиёрийлик ва ҳамкорлик тамойилларига асосланган ижтимоий муносабатларни ривожлантириш жараёнидир, чунки бошқарув ваколатларининг бир қисми талабаларга берилади. Муҳокама қилинган, қабул қилинган ва амалга оширилган вазифалар учун талабалар ўзларининг жавобгарлик ҳиссини олишлари керак. Олий таълимдаги ижтимоий муносабатлар бундай шароитда қарорлар қабул қилишда шаффофлик ва очиқлик принциплари асосида амалга оширилади.

Талабаларни “Ёшлар иттифоқи” тузилмаларига аъзо бўлишлари ҳам ижтимоий фаолликни ривожлантиришга хизмат қилади. Зеро, Ёшлар иттифоқининг асосий мақсади ёшларни мамлакатда амалга оширилаётган демократик, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, жамиятда тинчлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистонни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторига кириши жараёнларига жалб қилиш ҳамда ёш авлоднинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш, йигит-қизларнинг маънавий ва касбий савиясини юксалтириш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашишдан иборат.

Талаба-ёшларни кўнгилли тарзда жамоат ташкилотларига жалб қилиш орқали ижтимоий фаолликни самарали ривожлантириш мумкин бўлади. Талабаларнинг ижтимоий фаоллигини ривожлантириш жараёнида уларни тадқиқот фаолиятига жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу талабаларга ўз нуқтаи назарини ифода этишга имкон беради, ўзини ўзи белгилашга ёрдам беради, ўз-ўзини ривожлантиришга ёрдам беради, ўз мутахассислиги бўйича ижодий муносабатни шакллантиради ва топшириқларни бажариш, лаборатория ишлари, иншолар, талабалар илмий семинарларида, талабалар илмий бирлашмаларида ишлаш, давра суҳбатларида, конференцияларда қатнашиш, илмий тезислар ёзиш ва ҳоказоларни таъминлайди. Талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ҳам уларда ижтимоий фаолликни оширишга хизмат қилади. Бўш вақт жараёнида талаба ўзига нисбатан ҳурмат муносабатини шакллантириши анча осонлашади, ҳатто бўш вақтни ўтказиш орқали шахсий камчиликларни бартараф этиш мумкин бўлади. Дам олиш ва маданий ҳордиқ чиқаришни ташкил этишнинг аниқ тизими нафақат жамоада барқарор иқлимни сақлаш, саломатликни мустаҳкамлаш, балки ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда ҳам муҳим рол ўйнайди. Талабаларни давра суҳбатлари ва конференцияларда иштирок этишга жалб қилиш, бўлажак мутахассиснинг шахсий ва касбий ривожланиши шарти сифатида ижтимоий фаолликнинг аҳамияти тўғрисида мунозаралар ташкил этиш, муҳокама қилиш ижтимоий фаолликни ривожлантиришни таъминлашга хизмат қилади. Ижтимоий фаолликни ривожлантиришнинг оммабоп ва самарали шакллари танловлар, фестиваллар, олимпиадалар, байрамларни ташкил этиш ва ўтказиш, стендлар лойиҳалаш, талабалар газеталарини чиқариш, мавзули кечалар, жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, касбга йўналтириш, оммавий ахборот воситаларини таҳлил қилиш ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

Шундай қилиб, талабаларнинг ижтимоий фаоллигини ривожлантириш аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотларни уйғун ҳолатда амалга ошириш талаб этилади. Аудиториядаги машғулотлар (лойиҳа фаолияти, ролли ўйинлар, баҳс-мунозаралар ва ҳ.к.) ўзини ва жамиятни ўзгартиришга қаратилган амалий фаолият билан тўлдирилиши лозим бўлади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент. “O‘zbekiston” нашриёти. 2021 йил 23 бет

2. Маънавият. Асосий тушунчалар луғати. Тузувчи ва масъул муҳаррир профессор Қ.Назаров. “Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти” нашриёти. Тошкент. 2021 йил. 196-197-бет.

3. Мажидов Н. М., Азизова Ш. В. Ижтимоий фаоллик шаклланишида амалиётнинг ўрни //Современное образование (Узбекистан). – 2015. – №. 3. – С. 16-19.

4. Исмаатов Ш. ШАРҚ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАЪЛИМОТЛАРИ МАЗМУНИДАГИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ ТАЛҚИНИ //Экономика и социум. – 2022. – №. 4-1 (95). – С. 291-294.

5. Исмаатов Ш. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШДА ГУРУҲ МУРАББИЙЛАРИ (ТЪЮТОР) НИНГ РОЛИ //PЕDAGOGIK MАНORAT. – С. 155.

6. Жураев Б. Т. Социально-духовное развитие студентов //Россия-Узбекистан. Международные образовательные и социально-культурные технологии: векторы развития. – 2019. – С. 22-23.